

20



НУҚУҚ

1997-йil 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 8-ҲАНҲАР, №1 (1198)

БОШ ПРОКУРАТУРАДА БАЙРАМ ТАДБИРИ



8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ходимлари куни ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ташкил топганининг 28 йиллиги муносабати билан Бош прокуратурада байрам тадбири ўтказилди.

Тадбирда Бош прокуратуранинг раҳбар ва тезкор ходимлари, академия, «Хуқуқ» газетаси тахририяти, вилоят, туман-шаҳар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар жамоалари, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент ва бюро марказий маҳкамаси ҳамда ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари, тизимда узок йиллар ва самарали меҳнат қилган фахрийлар, амалдаги кадрлар захирасидаги ходимлар иштирок этди.

Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларини байрам билан табриқлаб, маъруза қилди.

Бош прокурор ўз маърузасида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида давлат тузилмаларини ташкил этиш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга киришилгани, бу сазй-ҳаракатлар натижасида 1992 йил 8 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, собиқ Иттифоқ қарамонидagi Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон прокуратурасига айланганлигини таъкидлади.

Тадбирда мустақилликнинг дастлабки йилларида юзага келган қалтис иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва кримноген вазиятда прокуратура органлари онир синовларга дуч келгани кўрсатиб ўтилди.

Фарғона вилояти, Тошкент вилоятининг Бўқа, Пискент ва Паркент туманларида содир этилган этник можаролар таъсири йўқолмаган, ғалла, нон ва бошқа зарур озиқ-овқатлар тақчиллиги вужудга келган, нарх-наво ошган вазиятда турли сиёсий қучлар, диний-радикал оқимлар ҳокимиятни қонунга зид равишда эгаллаш ҳаракатини бошлаган.

Айнан шундай мураккаб вазиятда прокуратурага қонуларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини назорат қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича масъулиятли вазифа топширилган.

Бу мақом Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил декабрда қабул қилинган Конституцияси ҳамда «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланиб, прокуратура органларининг ишлаш тартиби белгилаб берилган.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларида турли жиноий гуруҳлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар ваколатига қирадиган масалаларни хал эта бошлаган, фуқароларга «солиқ солиш», зўрлик билан уларнинг мол-мулкни тортиб олиш, яқинларини кўрқитиш, гаровга олиш, қийнаш ва ўлдиришгача бориб етган.



Давоми 6-7-бетларда

АДОЛАТ БАРҚАРОРЛИГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИДИР



Прокурор ёки терговчи лавозимига биринчи марта тайинланаётган шахс қуйидаги мазмунда қасамёд қилади: «Ўз хизмат вазифаларимни ҳалол ва виждонан бажаришга, қонун бузилишига қарши муросасиз курашишга, фуқаро, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга тантанали қасамёд қиламан!»

«Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 44-моддасидан

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида»ги фармонида «Иттифок қарамоғидаги Ўзбекистон ССР прокуратураси Ўзбекистон Республикаси прокуратурасига айлантирилсин» деб белгилаб қўйилди.

Шу асосга кўра Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йил 19 декабрда «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунни имзолади ва 8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилади. Бу куннинг байрам сифатида нишонланиши прокуратура органлари зиммасига катта масъулият юкланганининг далилидир.

Давлат органлари тизимида прокуратуранинг алоҳида ўрни бор. Мамлакатимиз ҳудудда қонунларнинг аниқ ва бир хил бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар зиммасига юкланган. Прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади.

Бу қоида Асосий қонунимизнинг 24-бобида мустақамлаб қўйилган.

Давлат мустақиллигига эришганимизга қадар ҳам республикаимизда прокуратура органлари фаолият кўрсатар, бироқ улар вазифалари жиҳатидан ҳам, иш усуллари жиҳатидан ҳам ҳозирги прокуратура органларидан тубдан фарқ қиларди. Прокуратура коммунистик мафкура таъсирида бўлиб, унинг содиқ хизматкорига айланган эди. Собик иттифок таркибидagi барча республикалар сингари Ўзбекистон прокуратура органлари ҳам марказга бўйсунар, ҳамма идораларда иш рус тилида олиб бориларди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 йил 9 декабрда «Прокуратура тўғрисида»ги қонунни қабул қилган эди. 2001 йил 29 августда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Унинг 2-моддасида прокуратура органларининг асосий вазифалари белгилаб қўйилган. Қайд этилишича, мазкур вазифалар қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустақамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланганидан манфаатларини, Ўзбекистоннинг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

2019 йилнинг 11 ойида мазкур вазифаларни бажариш учун Қашқадарё вилояти прокуратураси органлари томонидан ўтказилган 1760 та текшириш натижасига кўра 9 мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 21 289 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 1 млрд. 255 млн. сўмлик зарарнинг қопланиши таъминланди, қўпол қонунбузилишлар юзасидан 55 та жиноят иши кўзғатилди.

Шунингдек, 389 нафар шахсга нисбатан юритилган 270 та жиноят иши айблов ҳулосаси билан судларга юборилди, етказилган 11 млрд. 600 млн. сўмлик зарарнинг дастлабки тергов жараёнида тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Прокуратуранинг фуқаролар устидан назорат қилувчи органдан уларга хизмат қилувчи органга айлантирилгани янги қонуннинг илгаригисидан фарқ қилувчи энг муҳим жиҳатидир. Эндликда прокуратура назорат қилувчи ва текширувчи эмас, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи орган сифатида фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги «Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашда-

ги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ прокуратура органлари ходимларининг иш ҳақи оширилди ва улар учун имтиёзлар белгиланди. Чунинчи, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги қарори билан тасдиқланган «Судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узок муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда судьяларга уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиблари тўғрисида»ги низоми талаблари 2014 йил 1 январдан прокуратура ходимларига нисбатан ҳам татбиқ этиладиган бўлди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 октябрдаги «Прокуратура органлари ходимларига имтиёзли шартларда кредитга уй-жой ва автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун дастлабки бадални қиритиш мақсадида Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фойсиз қарз бериш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш тўғрисида»ги 873-қарори билан прокуратура ходимларининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилиб, кўшимча имтиёзлар тақдим этилди.

«Прокурор» (лотинча *procurator*) сўзи ғамхўрлик қилмоқ деган маънони англатади. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозим» дея қайд этди. Ҳозир прокуратура ходимлари сайёр қабуллар уюштириб, фуқароларнинг олдига бориб, уларнинг дардларини эшитаяпти, муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўраяпти.

Бугун прокуратура тизимида хизмат қилиш ҳам шарафли, ҳам ниҳоятда масъулиятли иш ҳисобланади. Ходимларимиз ҳар бир инсоннинг дардига, муаммосига ўз дардидек муносабатда бўлсагина одамлар улардан рози бўлади. Зеро, биз қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни зиммаимиздаги асосий вазифа деб билар эканмиз, қонунларга амал қилишда ўзимиз ҳам бошқаларга намуна бўлмоғимиз лозим.

Азамат МИРЗАЕВ,
Қашқадарё вилояти
прокурорининг ўринбосари



СИЁСИЙ ЖАРАЁННИНГ МУҲИМ НЕГИЗИ

2017 йилнинг 7 январида давлат раҳбари прокуратура органлари ходимлари куни муносабати билан бўлиб ўтган учрашувда соҳа ходимларининг мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимли ишларни амалга ошираётганини алоҳида эътироф этган эди.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари истиклол йилларига келиб, инсон ва унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи органга айланди ва албатта фуқароларимизнинг прокуратурага бўлган ишончи мустаҳкамланди. Ўтган йиллар мобайнида прокуратура органлари қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш борасида кўплаб ютуқларни қўлга киритди. Жуда тез ривожланиб бораётган замон талаби зиммамизга катта масъулият юклямоқда. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ходимлари мана шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда адолатга, тенглик ва ҳалолликка таяниб меҳнат қилишмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан 2019 йилда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият

ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий қонунийлик ижроси бўйича ўтказилган 190 та текшириш натижасида 537 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Соғлиқни сақлашга оид қонунийлик ижроси шунинг кўрсатадики, жами 3803 нафар ногирон 1156 та аравача, 690 та эшитиш мосламаси каби протез-ортопедия махсулотлари билан таъминланган. Бундан ташқари 2559 кишига санаторийга йўланма, 11840 кишига шифохона ва клиникаларда даволаниш учун ордер берилган.

Бу каби ишлар ёрдамга муҳтож инсонларга давлатимиз катта эътибор қаратаётганидан дарак. Прокуратура органлари ҳам бунга ўз хиссасини қўшмоқда. Хусусан, Республика прокуратураси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан

2019 йил 8 январь куни ишлаб чиқилган қўшма дастур асосида йил давомида 29470 нафар шахс чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиб, улардан 9652 нафари соғломлаштирилди. 869 кишига эса ихтисослаштирилган тиббий марказ ва клиникаларда бепул даволаниш учун йўланма берилди.

Бундан ташқари, республика аҳолисининг турмуши билан танишиш ва муаммоларини ўрганиш натижасида оғир шароитда яшаётган 1328 нафар хотин-қизнинг рўйхати тузилиб, уларнинг 629 нафарига моддий, 643 нафарига тиббий ёрдам кўрсатилди. Шаҳар ва туманларда ёрдамга муҳтож 14974 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, 348 нафарига тadbirkorликни йўлга қўйиши учун Хотин-қизларни қўл-

органи ва муассасаларига ариза, таклиф ёки шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир мурожаат ортида эса инсон тақдир, обрўси, шаъни ва кадр-қиммати ётади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиши учун зарур шароитлар яратилган. Бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши ҳам алоҳида назоратга олинган. Хусусан, ўтган йил давомида қонун бузилиши юзасидан 33 та тақдимнома киритилиб, 34 киши маъмурий, 78 киши интизомий жавобгарликка тортилди.

Соҳавий бўлимга келиб тушган мурожаатлардан 797 таси ҳал қилинди, шундан 136 таси қаноатлантирилди,

лаб-қувватлаш жамоат фонди орқали 11 млрд. 446 млн. 100 миң сўм кредит ажратилишида кўмаклашилди.

Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ўтган йили 75144 киши ишлаш учун хорижга чиқиб кетган ва 58784 нафари қайтиб

537 нафар шахснинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

келган. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда уларнинг 15470 нафари ишга жойлаштирилди. Умуман, бандликка кўмаклашиш органлари иш сўраб мурожаат қилганлардан 30798 нафарининг бандлиги таъминланган.

Конституциямизга кўра мамлакатимизда яшаётган ҳар қандай шахс давлат

661 та мурожаат юзасидан тушунтириш берилди. Натижада 127 нафар шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимояси таъминланди. Масалан, Шуманай туманида яшовчи А.Тажимуратовнинг мурожаати юзасидан у раҳбарлик қилаётган «Шуманай строй комплекс» МЧЖга 260 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиши таъминланди.

Аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг негизи ҳисобланади. Шу боис ижтимоий соҳага оид қонуларнинг ижросини таъминлаш прокуратура органлари эътибордаги масалалардан бири бўлиб қолаверади.

Довранбек АБДАЛОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

JARAYON

МЎЙНОҚҚА САЁҲАТ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Мўйноқ туманини ривожлантиришда қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Мўйноқ туманига инфотур ташкил этилди.

Инфотур иштирокчилари дастлаб сайёҳлар кўп келадиган даргоҳлардан бири – «Ҳоким ота» (Сулаймон Бокирғоний) мажмуасини зиёрат қилишди ва бу ерда ободонлаштириш, қурилиш ва реконструкция ишлари жадал сурьатларда олиб борилаётганига ғувоҳ бўлишди.

Бугунги кунда Мўйноқда экотуризм, этнотуризм ва гастрономик туризм йўлга қўйилган. Хорижийлар Орол денгизи, Устюрт текислигининг бугунги ҳолатини ўз кўзи билан кўриш учун ташриф буюрмоқда. Сўнгги пайтларда «Ралли Мўйноқ», «Стихия», «99 хил балиқ таомлари» сингари фестиваллар ҳам чет эллик сайёҳларни жалб этмоқда.

Мўйноқнинг марказий кўчасида замонавий типдаги қатор маданий, спорт ва маъмурий бинолар қурилди. Айниқса, «Book kafe», «IT-centre» ва спорт ком-

плекслари доимо гавжум. «Мўйноқ текстил»да эса 150 га яқин хотин-қиз меҳнат қилаяпти.

Ҳозир Мўйноқ улкан қурилиш майдонига айланган. Айни пайтда 49 объектнинг қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилди. Яна 49 та объектнинг қурилиши давом этмоқда. Уларга қўшимча тарзда давлат дастурида назарда тутилмаган 11 та объект қурилди. 2019 йил ноябрь ойида «Қозоқдарё» ОФЙ ҳудудига 90 ўринли болалар богчаси, сув тозалаш станцияси, курант минораси, кадастр бўлимининг бинолари фойдаланишга топширилди. Туман марказида оилавий поликлиника, Ёшлар маркази, ҳаммом, автостанция, консерва заводи ишга туширилиши кутилмоқда.

– Бош прокуратура ташаббуси билан тумандаги «Ҳоким ота» ОФЙ ҳудудига 4 млрд. сўмлик (75 та



ўринга мўлжалланган) мактабгача таълим муассасаси, туман марказида 1,5 млрд. сўмлик ҳаммом ва 1,5 млрд. сўмлик автостанция қурилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Мўйноқ туманини ривожлантиришда қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси прокурори Мэлс Қосназаров.

Ҳақиқатан ҳам Мўйноқ туманида қилинаётган ишлар кўзни қувонтиради. Икки-уч йилдан буён Мўйноққа бормаган киши бу ерни танимай қолиши турган гап. Бу ўзгаришлардан аҳолининг ҳам кўнгли тўлиб, эртанги кунга ишончи ортмоқда.

Парахат ҲАБИБУЛЛАЕВ,
«Нуқуқ»

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимовни «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирлади.

8-YANVAR 2020-Y.

HUGUB N: 1

(1198)

3

1993 йил 29 декабрда қабул қилинган «Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонунга биноан мамлакатимизда 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини сифатида катта тантана билан нишонланади. Бу бежиз эмас, албатта. Сизу бизнинг тинчлигимизга, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ватан ҳимоячиларини ҳар қанча эъзозласак арзийди.

худоуларда ҳарбий-маъмурий секторлар шнинг йўлга қўйилгани бўлди. Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз бўйлаб сафари давомида вилоятлардаги ҳарбий-маъмурий секторлар фаолияти билан ҳам яқиндан танишапти. Ҳарбий хизматчиларнинг машғулотларини кузатиб, аскар ва офицерлар билан мулоқот қилаяпти. Куролли кучларимиз сафида шундай содиқ ўғлонларнинг борлиги тинч ва осуа ҳаётга бўлган ишончимизни мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хавфсизлик кенгашининг 2018 йил 28 ноябрда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида Шавкат Мирзиёев томонидан Куролли кучларнинг жанговар шайлигини таъминлаш, мuddатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чакируви резервидаги хизматни давр талаби даражасида ташкил этиш вазифалари белгилаб берилган эди. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида «Умумий ҳарбий мажбурият

лиши белгиланди. Чакирув даврининг қишдан баҳорга ўтказилиши натижасида чакирув ва йнгин пунктлари хоналарини иситишга сарфланадиган харажатлар тежалиб, қўшинларга юборилаётган фукарлар учун қулай шароит ҳамда узок (тоғли) худоуларда яшовчиларнинг чакирув ва йнгин пунктларига ўз вақтида етиб келишига имконият яратилди. Халқ ва армия бирлигини ифодалаган, халқимизни улуг бир гоа атрофида жипслаштирилган Ватанга қасамд матни ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Қасамд матни миллий рух ва шонли тарихимизни, мардликни, салоқатни, улуг аждодаларимизга муносиб бўлиш туйғуларини ўзида мужассам этди.

Шунииндек, 2019 йил 12 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси фукарларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Янги тахрирдаги низом аввалгисидан 80 фоиз

миллаштириш, жанговар операцияларни олиб бориш тажрибасини пухта эгаллаш имконини берди.

Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий савиясини ошириш ва ахлоқий-руҳий тайёрларлигини юксалтириш йўналишида барча ҳаракатлар «Ватан – муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурждир!» деган концептуал гоа асосида амалга оширилмоқда. 2019 йилда етакчи мутахассисларни жалб этган ҳолда 10 миңдан зиёд маънавий-маърифий талбир, буюк саркарда ва алломаларимизнинг илмий меросини ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари ва семинарлар, китобхонлик кечалари ва танловлар ўтказилди.

Куролли кучлар тизимида ахлоқий-руҳий таъминот концепцияси ишлаб чиқилди. Ҳарбий хизматчиларнинг миллий ва жанговар руҳини юксалтиришга қаратилган бир қатор махсус тактик машқлар ўтказилди. Маънавий ва маърифий ишларнинг юқори савияда ташкил

14 январь – Ватан ҳимоячилари кунини

ВАТАН ҲИМОЯСИ МУҚАДДАСДИР



Ватанни севиш, ардоқлаш, ҳимоя қилиш – ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Бугун кенг жамоатчилик Куролли кучларда амалга оширилаётган ислохотлар, юрт посбонларига кўрсатилаётган эътибордан яхши хабардор. Президентимиз, Куролли кучлар олий бош қўмондонини Шавкат Мирзиёев белгилаб берган вазифалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг мудофаа доктринасини янгилашган ҳолда қабул қилинди. Қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди.

Бугун армия ва халқ яқдиллигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларда давлат ҳокимияти органларининг роли беқиёс бўлганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Энг катта янгилик

ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди.

Қонунга биноан олий маълумотли оддий аскарлар ва офицерлар учун мuddатли ҳарбий хизмат вақти 12 ой қилиб белгиланди. Бу билан олий маълумотга эга бўлган мuddатли ҳарбий хизматчиларни резервга бўшатиш натижасида лавозимларнинг 3 ой давомида бўш қолишига барҳам берилди. Чакирилувчилар эндиликда Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг ўқув муассасаларида эмас, балки мудофаа ишлари бошқармалари ҳузурдаги марказларда ҳарбий-техник мутахассисликлар бўйича тайёрланади. Чакирув март-апрель ойларида ўткази-

фарқ қилади.

Йил давомида қўшинларнинг ўқув-моддий базасини, ҳарбий шахарча ва полигонларнинг инфратузилмасини такомиллаштириш, бўлинмаларни янги курол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлаш ишлари давом эттирилди.

Қўшин турларининг ҳамкорлигини ташкил этиш, қўланиш тактикаси ва стратегиясининг замонавий тажрибаси чуқур ўрганилди. Бу жараён жанговар шароитга максимал даражада яқинлаштирилган ҳолда ташкил этилаётган гуруҳ, взвод ва батальон тактик ўқувларида курол-яроғ ва ҳарбий техниканинг энг янги намуналарини қўллаш, жангчиларнинг яшовчанлигини ошириш, мураккаб худоуларда топшириқларни минимал йўқотишлар билан бажариш каби машқларда ўз аксини топди.

Хорижий давлатларнинг мудофаа идоралари билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида нуфузли ҳарбий академиялар ва марказлар вакиллари билан тажриба алмашилди, семинар-тренинглари ўтказилди. Туркия, АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Буюк Британия каби мамлакатларнинг мудофаа академиялари, стратегик тадқиқотлар марказлари вакиллари катнашган тадбирлар долзарб масалалар бўйича хорижий экспертларнинг илмий қарашлари ва хулосаларини ўрганиш, соҳадаги энг сўнгги маълумотлардан хабардор бўлиш ва уларни таҳлил қилиш, Куролли кучларни қўллаш стратегияси ва тактикасини тако-

қилиниши натижасида ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳияти ошиб, мустаҳкам ҳаётий позицияга эга, фидойий ҳарбий хизматчилар сафи кенгаймоқда.

Оиласидан қўнгли тўқ, рўзори обод бўлган инсоннинг ишида унум бўлади. Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган эътибор замирида мана шу тамойил бор. Бу йўналишда босқичма-босқич бажарилган ишлар самараси ўларок ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-машиий, яшаш ва хизматни ўташ шароитлари яхшиланди. Уй таъминоти мукамал равишда йўлга қўйилгани айниқса қувонарлидир. Бу борада бир қатор дастурлар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар амалиётга татбиқ қилинди. 2019 йилда ҳарбий хизматчилар учун барпо этилган кўп қаватли уйлардаги 1974 та хонадон фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда ҳам ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Барча ватан ҳимоячиларини ушбу байрам билан табриклаймиз ҳамда уларга оилавий тинчлик, хотиржамлик, саломатлик тилаб қоламиз. Ҳаётингиз доимо шараф ва зафарларга тўлиқ бўлсин. Ватанимиз осмонни доимо мусаффо бўлиши учун ҳар доимгидек куч-ғайратингизни ашманг!

Исмоилжон АБДУХАКИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари

Миллий юксалиш кафолати

2019 йил 15 декабрдан 2020 йил 15 январга қадар юртимизда «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати!» шиори остида маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ҳамда худудий ҳарбий прокуратуралар ходимлари бундай тадбирларда бевосита катнашиб келмоқда. Бундан ташқари, аҳоли ўртасида Куролли кучларда амалга оширилаётган ислохотлар ва эришилган ютуқлар, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қилинаётган ишлар тарғиб этилмоқда.

Шунииндек, байрам арафасида ҳарбий прокуратура ходимлари ҳарбий қисм ва муассасалар билан ҳамкорликда хизматни ўташ даврида вафот этган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерларни йўқлаб, совғалар беришапти. Ватан уларни ҳеч қачон унутмайди.

Ўйлайманки, «Ватанпарварлик ойлиги» муносабати билан ўтказилаётган бу каби тадбирлар армия ва халқ яқдиллигини мустаҳкамлашда ҳамда ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этади.

Шухрат ЗОИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдამчиси

Эътибордан диллар шод

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратиш ва камолоти учун гамжўрлик қилиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

Янги йил байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ҳамда Тошкент ҳарбий прокуратураси Ички ишлар вазирлиги Корюул қўшинларига қарашли ҳарбий қисм қўмондонлиги билан ҳамкорликда 52-сонли махсус ихтисослаштирилган мактабда байрам тадбири ўтказилди.

Мактабда бугунги кунда 16 ёшгача бўлган ногирон болалар тарбияланади. Ушбу болалар ҳар томонлама меҳр-муруват, гамжўрлик ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтождир. Ҳарбий прокуратура ходимлари ва ҳарбий хизматчилар ихтисослаштирилган мактаб тарбияланувчиларини янги йил байрами билан табриклаб, уларга ҳар хил турдаги ўйинчоқлар, ширинликлар ва бошқа турдаги буюмлар тақдим этишди.

Шавкат РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ёрдამчиси

АХДИДА ҚАТЪИЙ, СЎЗИДА СОБИТ...

Учқўрғонлик Набижон ака тўрт фарзандни тарбиялаётганида уларнинг оқил, билимли, энг муҳими, эл корига ярайдиган, жамиятга нафи тегадиган бўлиб вояга етишини орзу қилган эди. Ўзи ҳам, турмуш ўртоғи Робияхон ая ҳам тиш шифокори эмасми, кўп фурсати халқ хизматида ўтар, бироқ ишдан қанчалар ҳориб-чарчаб қайтишмасин, фарзандлари учун албатта вақт ажратишарди. Ахир улар эндигина униб-ўсиб келаётган ниҳол, парвариш керак, меҳр керак. Қолаверса, юриш-туриши, ўқишини ҳам доим назорат қилиб турмаса бўлмайди. Набижон ака табиатан кўнгли юмшоқ бўлса-да, фарзанд тарбиясида қаттиққўл бўлди, ортиқча эркаламади. Бутун эътиборини яхши билим олишлари, чиройли хулқ эгаси бўлишларига қаратди.

Фарзанд тарбиясида айниқса Робия аянинг ўзгача мактаби бор эди. Уч ўғил, бир қизнинг ҳар бири билан алоҳида шуғулланар, қизиқликлари, интилишлари, орзу-ўйлари ҳақида эринмай суҳбатлашар, шунга қараб маслаҳат берад, ютуқларидан қувонарди.

Ота-она уч ўғилнинг иккинчиси прокурор бўлмоқчи эканини эшитишганда кўнгилларидан нималар кечди экан?! Ахир бу касбнинг ўзига яраша машаққати, қийинчиликлари бор. Бироқ Мирзохиддаги қатъийлик, шижоат, қизиқлини кўриб уни қўллаб-қувватлай бошладилар.

Бутун Мирзохид Тўйчиев ўзи орзу қилган касб эгаси – прокурор. Айни дамда Наманган шаҳар прокурори сифатида кўнун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек шарафли вазифани сидқидилдан адо этиб келмоқда.

Оиладаги муҳит, ота-она ибрати фарзандлар учун муҳим аҳамиятга эга. Мирзохид ҳам бутун фарзандлари тарбиясида отаси каби қаттиққўл, талабчан. Имкон қалар уларни бўш қолдирмасликка интилади, фан тўғрақларига жалб этган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, азалдан вилоятда Наманган шаҳар прокуратурасининг алоҳида ўрни бор. Худуд катта. Шунга қарамай, қатъий тартиб

борлиги учунми, жиноятчиликнинг олдини олиш, қонунчилик ижроси назорати, энг муҳими, фуқароларнинг муножаатлари билан ишлаш тизимли йўлга қўйилган.

Мирзохид Тўйчиев шаҳар прокурори этиб тайинлангач, жамоа билан бирга ана шу анъаналарни давом эттирган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, тadbиркорликни ривожлантириш, ҳудудни ривожлантириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлашга асосий эътиборини қаратди. Бу боралда устозлари Шухрат Хусанов, Шухрат Абдуллаев, Баҳром Юлдашев ва Икромжон Солиевдан ўрганган билимлари қўл келмоқда.

– Мирзохид ака жуда қамтар инсон, – дейди **Наманган шаҳар прокурорининг ўринбосари Мансурбек Сиддиқжонов**. – Бироқ ишга келганда жуда талабчан. Идоралда ҳамма ишлар ўз вақтида, сифатли бажарилишини хоҳлайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам иш оқимини олдиндан кўра билади. Бизни ҳам шунга қараб йўналтиради. Топшириқ бериш асосида уни қай тартибда бажарсак қутилган натижага тезроқ эришиш мумкинлигини ҳам эринмай тушунтиради. Энг муҳими, ходимларни қўллаб-қувватлаш, ютуқлари учун рағбатлантиришни асло унутмайди. Мен



инсон сифатида унга ҳавасим келади. Чунки ҳар қандай вазиятда одамийликни унутмайди. Суҳбатдошини аяйди. Тизимдаги обрўси ҳам яхши. Мен Мирзохид ака билан бир сафда ишлаётганимдан, ундан касбимиз сирларини ўрганаётганимдан жуда мамнунман.

Гапнинг очиги, бутун олди-қочди ваъдалар, одамларни алдаш билан обрў топиб бўлмайди. Шу боис шаҳар прокурори ҳар ҳафтанинг жума куни тadbиркорлар билан сайёр қабуллар ўтказишни одат қилган.

2019 йили 74 та тadbиркорлик субъектига 14,5 млрд. сўм кредит ажратилди. 104 тасига муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашишда, 67 тасига эса бошқа масалаларда ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, соҳа вакиллари билан ҳамкорлик натижасида 102 та тadbиркорлик субъекти ташкил этилиб, 314 тасининг фаолияти тикланди.

Президентимизнинг 2019 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан шаҳар прокурори секторига корхона,

муассаса ва ташкилотларнинг вакилларидан иборат гуруҳ томонидан 27 та маҳаллада уйма-уй юриш орқали 24 440 та хонадон ўрганилиб, аниқланган 2791 та муаммонинг барчаси ҳал этилди.

Шаҳсан сектор раҳбари ташаббуси билан эҳтиёжманд 11 та оиланинг хонадонлари таъмирлаб берилди, 3 нафари қурилиш материаллари билан таъминланди. Шунингдек, «Соҳил» МФЙдаги учта кўп қаватли уй 90 млн. сўмлик ҳомийлик маблағи ҳисобидан таъмирланди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида шаҳар халқ таълими бўлимида Вояга етмаган ўқувчи-ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш марказининг ташкил этилиши алоҳида эътирофга лойиқ.

Мазкур марказни ташкил этиш учун дастлаб шаҳар ҳокимлиги томонидан 68,8 млн. сўм маблағ, шаҳар халқ таълими бўлими биносидан эса учта хона ажратилди. Улар тўлиқ таъмирлангач, мебель ва компьютерлар билан таъминланди.

Прокуратура ходимлари байрами арафасида уларнинг фаолиятига назар ташлар эканмиз, Президентимиз таъбири билан айтганда, халқ прокуратурасини ташкил этиш, халқ кўнглидан жой олиш йўлидаги бундай ишлар кишини қувонтиради.

Сўзимиз сўнгида аҳдида қатъий, сўзида собит соҳа ходимларига «Байрамнингиз муборак бўлсин!» деб қоламиз.

Нилуфар НИЁЗОВА
тайёрлади



Прокуратура органи ходими деган шарафли ном замирида садоқатли меҳнат ва улкан масъулият зоҳирдир. 2020 йил 8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни мен учун қўшалоқ байрам бўлди.

МЕН УЧУН ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ БЎЛДИ

Инсон касби ва ҳалол меҳнати билан ўшаёнда ўз ўрнига эга бўлиб, эътибор қозонади. Мен мактабни тугатиб, республика прокуратурасининг «Қонун ҳимоясида» журналида иш бошлаганман. Шу билан бирга 2000-2005 йиллар мобайнида сиртки таълим асосида олий ўқув юртини тамомладим ва Бош прокуратуранинг «Ниҳон» газетаси тахририятида ишимни давом эттирдим. 2018 йилдан Бош прокуратуранинг Мурожаатлар билан ишлаш бошқармасида етакчи мутахассис лавозимида ишлаб келаяман. 24 йиллик меҳнат фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, журналист

ва ҳуқуқшуноснинг ишида бир-бирига жуда яқин тарафлар кўп экан. Хусусан, мамлакатимизда қонунийликни мустаҳкамлаш, жамиятнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш ҳамда амалга оширилаётган ислохотларга ҳисса қўшишда журналист ва ҳуқуқшуносларнинг муштарак жиҳатлари бисёр.

Прокуратура ходимларининг бу йилги касб байрами ҳаётимдаги қувончли лаҳзалардан бири бўлди. Байрамга бағишланган тadbирда Бош прокуроримиз менга 3-даражали юрист унвонини тақдим этди. Tadbирда таъқдирланганидек, прокуратура халқ прокуратурасига

айланди. Айниқса, ўтган йили тизимда бўлган катта ўзгаришлар фуқароларнинг прокуратура органларига бўлган ишончини янада орттирди. Бунинг билан Бош прокуратуранинг Мурожаатлар билан ишлаш бошқармасига юртдошларимиздан келаятган мурожаатлардан қўриш мумкин.

Тантанали йиғилишда унвон билан тақдирланганим мени руҳлантирди, ишимга бўлган масъулиятни янада оширди.

Ғули ҲОЖИБОЕВА,
Бош прокуратура бошқарма мутахассиси

Президент Шавкат Мирзиёев Техрон шаҳри яқинида Украинанинг йўловчи самолёти қулаши оқибатида кўплаб инсонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Украина ва Эрон Президентларига ҳамдардлик мактублари йўллади.

БОШ ПРОКУРАТУРАДА БАЙРАМ ТАДБИРИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Жиноят олами вакиллари уларга қарши курашаётган давлат ва ҳокимият органлари ходимларининг ҳаётига реал хавф тугдирган бир вазиятда прокуратура ходимлари қотиллик, товламачилик, босқинчилик каби ўта оғир жиноятларни содир этган гуруҳ ва уюшмаларнинг барча аъзоларига қарши самарали ва мардонавор курашган.

1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ва кўпуровчилик ҳаракатлари, 1999-2000 йилларда Питнак, Ангрен, Бўстонлик, Сарносиё, Узун, Избоскан туманларида, 2004 йил март ойида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида, 2005 йил май ойида Андижон вилоятида содир этилган террорчилик актларида айбдорларни фож этиш ва жазо муқаррарлигини таъминлашда прокуратура ходимлари жонбозлик кўрсатган.

Ўша тарихий йилларда прокуратура органларининг фаолияти ислохотларга ҳамоханг тарзда такомиллаштириб борилган.

1991-2000 йилларда прокуратура фаолиятида жазолаш функцияси устувор аҳамият касб этган бўлса, кейинчалик асосий эътибор инсон ҳуқуқ ва эркинликлари химоясига қаратилган.

Жумладан, 2001 йил 29 августда «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши билан фуқаролар прокурор назорати объектидан чиқарилган ҳамда прокуратура органлари жазоловчи органдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга айлантирилишига замин яратилган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асос солган тараққиётимизнинг янги босқичида жамиятда адолатни қарор топтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётгани эътироф

этилди. Прокуратура халққа янада яқинлаштирилиб, фаолияти такомиллаштириб борилаётгани таъкидланди. Хусусан, давлат раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги уч йилда прокуратура фаолияти билан боғлиқ 20 га яқин қонун, фармон, қарор ва фармойиш қабул қилинган.

2016 йил 19 декабрда 8 январни Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни деб белгилаш ҳақидаги қонун имзолангани барча ходимлар, жумладан фахрийлар қалбидаги орзу-умидлар рўёбга чиққан қутлуг сана эканлиги таъкидлаб ўтилди.

да назорат тадбирлари ўтказилиб, 2753 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, 13940 нафарига муаммоларини ҳал этишда қўмақлашилган.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурлари доирасида ҳудудларни ободонлаштириш, уйлар қуриш, ижтимоий объектларни барпо этиш каби муҳим тадбирларда прокуратура ходимлари фаол иштирок этган.

Бош прокуратурага бириктирилган Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳри, Оҳангарон ва Бекобод туманларидаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш бўйича тизимли ишлар қилинган.



Бош прокуратуранинг ташкилий назорат ва таҳлилот бошқармасида иш жараёни



Ҳарбий прокуратура ходимлари китобхонлик машғулотида

Тадбирда прокуратура органлари томонидан жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида муайян натижаларга эришилгани қайд этилди.

2019 йилда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида 77 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, 134 минг кишининг ҳуқуқи тикланган.

Прокурор текширишлари ва жиноят ишлари терговини давомида жами 2 трлн. 300 млрд. сўмдан ортиқ зарарнинг қопланиши таъминланган.

Тадбиркорликни ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш, экспорт ҳажмини ошириш каби иктисодиётимиз ривожидидаги долзарб йўналишлар

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта ташаббус, жумладан аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, таълим, соғлиқни сақлаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш прокурорларнинг диққат марказида бўлган.

Прокуратура ходимлари бевосита хизмат вазифаларини бажариш билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, секторлар ишини ташкил этиш, муаммоларни ҳал қилиш каби муҳим вазифалар ижросини таъминлаш чораларини кўриб борган.

Биргина прокуратура ташаббуси билан Мўйноқ туманида 40 ўринли боғча реконструкция қилинган, 11 нафар ёлғиз фуқарога уй қуриб берилган, 11 та сув тозалаш ускунаси ўрна-



Прокуратура ходимлари тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишмоқда



Бош прокуратура академиясида ўқув машғулотлари



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментида иш жараёни



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ходимлари иш устида

тилган. Шунингдек, туманда иккитадан кутубхона ва ветеринария пункти, Бўзатов маҳалласида қишлоқ врачлик пункти ишга туширилган.

Мамлакатимизни хавфсиз ҳудудга айлантириш, юрдошларимизнинг осойишта ҳаёт кечиршини таъминлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида мутасадди идоралар билан биргаликда тизимли ишлар амалга оширилган.

Бошқа идоралар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда кўрилган чоралар натижасида жиноятлар 5,9 фоиз камайган, 1344 та маҳаллада жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган.

Судларда фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар қилинган. Хусусан, 4349 та ёки суд

қарорларининг ҳар учинчиси айнан прокурор протести билан қонунга мувофиқлаштирилган, прокурорларнинг ташаббуси билан 95 нафар шахсга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган.

Халқ билан мулоқот, фуқароларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш, уларга кўмаклашиш прокурорларнинг кундалик ишига айланган. Жойларда, айниқса, чекка ва олис қишлоқларда сайёр қабуллар ташкил қилиниб, уларда қарийб 90 минг кишининг дарду ташвишлари эшитилган ва муаммоларини ҳал этишга ёрдам берилган.

Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимларининг яширин иқтисодиёт механизмларини аниқлаш, валютанинг ноқонуний муомаласига чек қўйиш, бюджет маблағлари талон-торож қилинишининг олдини

олиш борасидаги фаолиятни самара берган. 2019 йилда бюджетга 1,4 трлн. сўмга яқин қўшимча маблағ ҳисобланиб, шундан 514 млрд. сўми ундирилган, ноқонуний муомаладаги 3 млн. 175 минг АҚШ доллари ва 6,4 млрд. сўм олиб қўйилган.

Энергия ресурсларидан фойдаланишда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда қарздорликни камайтиришда Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ходимлари вазифаларига масъулият билан ёндашган. Ўтган йили биргина энергия ресурсларидан 37 трлн. сўмдан ортик қарзлар ундирилиб, ундирув қарийб 9 трлн. сўмга ёки 32 фоизга ортган. Табиий газдан фойдаланишда 41,4 млрд. сўмлик талон-торожликлар аниқланиб, шундан 32,8 млрд. сўми ундирилган.

Тадбир давомида прокуратура органларининг босиб ўтган оғир ва машаққатли, шу билан бирга гоёят шарафли йўлида эришилган ютуқларда мухтарам фахрийларнинг бекиёс ҳиссаси борлиги алоҳида эътироф этилди.

Бундан ташқари, прокуратура органлари жамоаси фахрийлар хизматини юксак қадрлаб, уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилиши таъкидланди.

Тадбирда прокуратура фахрийлари ходимларга, жумладан, ёш мутахассисларга фаолиятни ташкил этиш бўйича ўз тавсияларини бердилар.

Шу билан бирга, тадбирда мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган прокуратура органларининг бир гуруҳ

Ўзбекистон Бош прокурори МДХ иштирокчи-давлатлари бош прокурорларининг Мувофиқлаштирувчи кенгашида



Бош прокуратурада фуқароларнинг мурожаатлари доимий эътиборда

Харбий прокуратура Куролли кучларда қонун устуворлигини таъминлаш, Транспорт прокуратураси темирйўл ва ҳаво транспорти тизимларида қонунийликни мустаҳкамлаш чораларини кўриб борган.

Бош прокуратура академияси кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга алоҳида масъулият билан ёндашган.

Ходимларнинг хизмат ўташи учун қулай шароит яратиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни рағбатлантириш тизими такомиллаштирилган.

Ҳужжат айланмасини тезлаштириш, ижро интизомини мустаҳкамлаш мақсадида электрон иш юритиш тизими ишга туширилиб, ортикча қоғозбозликка барҳам берилган.

ҳодимлари, шунингдек фахрийлар ҳамда амалдаги кадрлар захирасига киритилган ходимлар тақдирланди.

Тадбир якунида Бош прокурор Нигматилла Йўлдошев прокуратура органларини халқ прокуратурасига айлантириш, муҳитни соғломлаштириш, тизимда очиклик ва шаффофликни таъминлаш бўйича келгусидаги вазифаларга тўхталиб, Президентимиз ва халқимиз билдирган ишончга муносиб бўлиш, қонунбузилишлар, жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши мурокасиз курашишга бор куч ва салоҳиятимизни ишга солиш зарурлигини таъкидлади.

Ҳалим БОЛТАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

«Менинг fikrim» жамоавий мурожаатлар порталида «Депутат рейтинг» онлайн тизимини жорий этиш таклиф қилинди.


ХАЛҚИМИЗГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ ЭНГ ШАРАФЛИ БУРЧИМИЗДИР

Прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича Европа кенгашининг 1993 йили Венада бўлиб ўтган мажлисида прокуратуранинг бир мамлакатда бошқа мамлакат андозаси бўйича ташкил этишда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас деган хулосага келинган. Чунки прокуратура мақоми, тузилиши, функциялари ва иш шакллари ўзгартириш уйғун тарзда амалга оширилиши, бунда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда фуқаролик жамиятини самарали ҳимоя қилиш учун ҳақиқий кафолатларни яратиш бош мақсад бўлиб қолиши лозим.

Бундан ташқари, Европа кенгаши томонидан 1997 йил 8-9 январда ўтказилган анжуман шунини кўрсатдики, ҳуқуқий нормаларни унификациялаш жараёни юқори бўлган Европа давлатларида ҳам прокуратура органларини ташкил қилиш бўйича ягона стандарт мавжуд эмас. Анжуман иштирокчилари ҳар бир давлатда прокуратура органларини ташкил қилиш бўйича ягона стандарт мавжуд эмас. Анжуман иштирокчилари ҳар бир давлатда прокуратура органларини ташкил қилиш бўйича ягона стандарт мавжуд эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда прокуратура органларига жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш борасида юқлатилган ваъдалар тарихий шароит, миллий давлатчилик анъаналари ва ҳуқуқий тизимнинг ривож билан боғлиқдир.

Бу ўринда шунини ҳисобга олиш лозимки, ҳозирги замонда ахборот ва билим энг муҳим миллий ресурсга, уларни яратиш ва тарқатишни таъминловчи тизимлар эса барқарор ривожланишнинг стратегик омилларига айланмоқда.



Прокуратура органларининг мақоми ва ваколатлари мамлакат, унинг тарихи ва ҳуқуқий маданиятига қараб турлича бўлиши мумкин.



Ушбу шароитда Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, давлат бошқарувининг сифати давлатнинг ахборот, билим ва инновацияларга асосланган моделига ўтишни таъминлайдиган ахборот ва билимни яратиш, қабул қилиш ва тарқатиш имконияти билан белгиланади.

Шу муносабат билан давлат ва ҳўжалик бошқарувида очкилик ва шаффофликка асосланган самарали қарорлар қабул қилиш тизимини жорий этиш, ахборот олишда мансабдорларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлиги, очкилиги ва масъулиятини таъминлаш зарур. Бу «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир» деган конституциявий нормани амалга оширишнинг, «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши

керак» деган эзгу ғояни рўёбга чиқаришнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Мазкур йўналишда мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал ва халқ қабулхоналари тизимининг ташкил этилиши, «Менинг фикрим» портали яратилгани давлат бошқарувида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда жамоатчилик иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор берилётганини кўрсатади.

Айниқса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига мувофиқ мамлакатимиз ҳудудида Конституция ва қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши учун масъул бўлган прокуратура фаолиятида ошқоралик ва жамоатчилик билан алоқаларнинг самарали йўлга қўйилиши қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Конституцияимизда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қо

нунлар билан ҳимоя қилинади деб қатъий белгиланган. Давлатнинг мазкур функциясини тўлиқ амалга оширишда суд-ҳуқуқ органларининг, айниқса, прокуратура органларининг ўрни бекиёс.

Қайд қилиш лозимки, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолатларини таъминлаш, қонун устуворлиги ҳамда адолатни қарор топтириш прокуратура органларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, профилактик чораларнинг самардорлигини ошириш, қонунбузилишларнинг сабабларини жамиятда ҳуқуқий маданиятни юқалтириш орқали бартараф этишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Шу орқали ватан равнақида, халқимизга хизмат қилиш шарафли бурчимиздир.

Жўрабек РАХМАНОВ,
Хоразм вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

SAYLOV

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ САЙЛОВЛАР

Хабарингиз бор, 2019 йил 25 декабрь куни Марказий сайлов комиссияси томонидан 125 та сайлов округидан номзодлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган деб топилиб, рўйхатга олинган эди.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг ўтказувчи 25 та округ сайлов комиссиясининг 2020 йил 5 январь куни бўлиб ўтган такрорий овоз бериш натижалари бўйича Марказий сайлов комиссиясига тақдим этган баённома ва қарорларига асосан:

– Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг 15 номзодидан 11 нафари;

– Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 11 номзодидан 2 нафари;

– Ўзбекистон халқ демократик партиясининг 9 номзодидан 4 нафари;

– Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 10 номзодидан 4 нафари;

– Ўзбекистон экологик партиясининг 5 номзодидан 4 нафари Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланди.

Дастлабки ҳамда такрорий овоз бериш натижасида, яъни сайловнинг умумий якунига кўра Қонунчилик палатасида сиёсий партиялар қуйидагича депутатлик ўринларига эга бўлидилар:

1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар

ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси 53 та;

2. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси 36 та;

3. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси 24 та;

4. Ўзбекистон халқ демократик партияси 22 та;

5. Ўзбекистон экологик партияси 15 та.


Қонунчилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки қарийб учдан бири қисми хотин-қизлардир. Депутатларнинг ўртача ёши 46 ёш.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайланган номзодлар тарқиб бўйича ТАХЛИЛИЙ ЖАДВАЛ




Миллати бўйича:	Сони	Ҳисса (%)
Ўзбеклар	130	87%
Қорватлонлар	5	3%
Руслар	3	2%
Қозонлар	3	2%
Тожиқлар	3	2%
Қорейлар	2	1%
Турманлар	1	1%
Қирғизлар	1	1%

Ёши: Қонунчилик Палатаси депутатларининг ўртача ёши: **46,4 ёш**



Энг ёши улуг депутат **Остона Сафар (ЎзХДП) 71 ёш**

Энг ёш депутат **Рахмонов Шероф (ЎзХДП) 26 ёш**



ТИЗИМДА ТАРТИБ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Бундан уч-тўрт йил аввал ҳам коммунал хизматларнинг ҳар бир тури учун алоҳида-алоҳида идораларга пул тўлардик. Айниқса, дам олиш кунлари электр, газ, сув, чиқиндига пул сўраб келишлари ҳам кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Икки ярим йил аввал Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюросининг ташкил этилиши билан ана шу тўловларнинг ҳаммаси битта жойга жамланди.



Бюро ташкил этилганидан буён энергия ресурслари, сув истеъмоли ва қаттиқ маиший чиқиндилар бўйича 73 трлн. сўм ундирилди.

Содда қилиб айтганда, илгари таъминотчи корхоналарнинг олтига назоратчиси бажарган ишни ҳозир бюронинг битта инспектори бажараяпти. Бундай натижага соҳадаги аниқ механизм, вазифаларнинг тўғри тақсимланиши ва меҳнат самарадорлиги туфайли эришилмоқда.

Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, маблағларни ҳаққоний ундириш ва бу борада суистеъмолчиликларнинг олдини олиш МИБнинг асосий вазифаларидан саналади.

Бу йўналишда ҳам давлат ижрочиларининг иши тўғри ташкил қилингани ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланиш натижасида 41,7 трлн. сўмлик 7 миллионга ижро ҳужжатининг ижроси таъминланди.

Таҳлиллар бюро фаолияти даврида ундирув 59 фоиз кўлайганини кўрсатмоқда. Аҳолининг тўлов интизомига, суд қарорларини ижро этишга муносабати ҳам ўзгарди.

Йиллар давомида аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётган нореал қарздорликни бартараф этиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш бўйича тизимли ишлар қилинаяпти.

Бир сўз билан айтганда, энди коммунал қарзларни ҳушига келиб қолганда тўлаш, назоратчи билан енг ичида келишиш ёки ресурслардан яширинча фойдаланиш даври ўтди. Чунки соҳада яратилган тизим бунга йўл қўймайди.

Ҳозир бюро ишида «МИБ портал», «МИБ инспектор» ва ҳисоботларнинг ягона портали каби бир нечта комплекс дастурлар қўлланылди.

Унутмаслигимиз керакки, барчамиз аввало истеъмолчимиз ва фойдаланилган хизмат ҳақини тўлаш бурчимиздир.

Тўлов интизомини мустаҳкамлаш учун жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилинаяпти. Республикада тўлов интизоми-

га амал қилмайдиган истеъмолчилар яшаётган 1924 та маҳалла аниқланиб, жойлардаги сектор раҳбарлари, маҳалла ва мутасадди идоралар вакиллари иштирокида очик мулоқот шаклидаги профилактика ишлари олиб борилмоқда. Қизиғи шундаки, аксарият қарздор истеъмолчиларнинг аслида қарзини бемалол тўлаш имконияти бор.

Мажбурий ижро бюроси бир қатор давлатларнинг масъул органлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2019 йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида бюро тизимидаги янгиликлар билан яқиндан танишиш ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Қирғизистон ва Тожикистон делегациялари юртимизга келди.

Эътирофга лойиқ бир жиҳат шуки, бюро фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда кам таъминланган оилалар учун имтиёз ёки алоҳида тартиб белгиланмаган. Бироқ бюро ходимлари бу жараёнга инсонпарварлик билан ёндашиб келмоқда, коммунал тўловлардан қарзи бор кам таъминланган оилаларга ҳомийлар жалб қилинаяпти. Бундай хайрли ишлар давом этмоқда.

Бюронинг ҳар бир ходими белгиланган вазифаларни бажариш, фидокорона ва ҳалол меҳнат қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда қонунийликни таъминлашни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Фаррух ТОШПҮЛАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ
жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий
ахборот бўлими бошлиғи

Бу бюро ташкил этилишидан олдинги кўрсаткичга нисбатан

140,5 % га кўп демақдир.

Биргина 2019 йилда

37,3 трлн. сўм ундирилди.

Бюро органлари томонидан фаолият даврида

1 трлн. **34** млрд. сўмдан ортиқ зарар етказиш

билан боғлиқ **146** та жиноят фош қилинди.

900 дан зиёд қонунбузилиши аниқланиб, жиноят иши кўзгатилды.

Хайрия тадбирлари давомида **1670** дан

ортиқ эҳтиёжманд ва кам таъминланган фуқароларнинг

690 млн. сўмдан ортиқ қарзи ҳомийлар кўмағида

тўлаб берилди.





МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Ўттиз йилдан ортиқроқ вақт мобайнида прокуратура идораларида самарали фаолият юритган Аҳмад Ражабов табаррук 70 ёшни қарши олди.

мани прокурорининг ёрдамчиси, туман прокуратураси терговчиси, Гиждувон, Вобкент ва Ромитан тумани прокуратураларида терговчи лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашиб,

хизмат бурчига содиқлиги билан ҳаммаслари хурматига сазовор бўлди.

Меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, самимилик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофиза қилувчи орган ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шогирдлари уни касб маҳорати сирларини сидқидилдан

ўргатган тажрибали мураббий ва меҳрибон устоз сифатида қадрлашди.

Хурматли Аҳмад Ҳикматович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустақкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий тоғувлик, хонадонингизга тиңчилик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

JINOYAT VA JAZO

Тобора такомиллашиб бораётган ахборот технологиялари тараққиётни жадаллаштирувчи беқиёс воситага айланди.

Интернетнинг ижтимоий тармоқлари Интернет турмушимизда содир бўлаётган воқеалар, янгиликлар ҳамда уларга муносабат яшин тезлигида тарқалмоқда. Уяли телефонлар ишда, турмушда асқотаяпти. Афсуски, айрим баднафе кимсаларнинг ундан паст ниятда фойдаланишга уриниши оилавий ажримлардан тортиб, ўч олишгача бўлган оғир оқибатларни келтириб чиқарапти.

Қирк ёшни қоралаган Содиқ (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2016 йили ишлаш мақсадида Россияга кетди. Оилага ҳар ойда пул жўнатиб турди. Рафикаси Мухтасархон билан ҳар куни телефонда гаплашишни қанда қилмасди. Хушхабарни, иккинчи фарзанди туғилганини эшитиб хориждан уйига қайтди. Мухтасархон ўзгариб қолганининг сабабини билдирмай боши қотди. Телефонига нотаниш рақамдан кўнғирок қилган одамлар хотинининг қарзини тезроқ қайтаришни талаб қила бошлади. Мухтасархондан қимдан, қанча қарзи борлигини сўради.

— Маргилодан пухта ёғ олиб келиб кўни-қўшниларга сотганман, — деди у. — Уч юз қирк дона идишдаги ёғнинг пулини йўғиб олгандим, қайтариб беролмадим.

— Ёғ олмаган бўлсанг, шунча пулни нега сарфладинг?

Мухтасархон мум тишлади. Содиқ рафикаси отасидан ҳам уч марта 100 доллардан пул олганини билиб қолиб, уни баттар қийин-қистовга солди. Тайинли жавоб ололмагач, жаҳл устида уйдан ҳайдаб юборди. Сўнг ўзининг номида бўлган, Мухтасархон фойдаланиб юрган телефон рақамига охириги ўн уч кундаги кўнги-

ШАНТАЖ

роқлар деталлашасини олиб текширди. Улар орасидан рафикаси ҳар куни икки-уч дақиқадан гаплашган, кўшни кўчада яшайдиган Жавлон исми йигитнинг рақамини таниб қолди. Жавлонни сўроққа тутишдан аввал турмуш ўртоғидан изоҳ талаб қилмоқчи бўлди.

— Қирғули мавзесидан ижара уй гаплашдим, хўп десанг, ўша ерда турамиз, — деди телефонда.

Кўпқаватли уйлардан биридаги ижарага олинган хонадонда рафикасидан бўлиб ўтган ишларни рўй-рост айтиб беришни талаб қилди. Фойдаланган телефондаги кўнғироклар деталлашасини кўрсатганидан сўнг Мухтасархон тилга кирди.

— Ҳа, Жавлон билан телефонда гаплашганман, — деди у. — Кўнғирок қилиб, олдинга ўзини танитмаган. Кейин маҳалладаги дўкон эгасилигини билиб олдим. Дўқонига кирганимда икки-уч марта боламни ширинликлар билан сийлаган. Бир кирганимда ҳар доимгидек ширинлик ва шарбат берди. Шарбатни ичдик, ўғлим ухлаб қолди. Менинг бошим айланди. Жавлон телефон қилиб ташқарига чақирди. Кўчага чиқиб «Дамас» машинасига яқинлашганимни биланман, кейин нима бўлганини эслаб олмайман. Бир неча кундан кейин Жавлон тагин кўнғирок қилиб чақирди. Телефондаги яланғоч расмларини кўрсатиб, пул талаб қилди. Уйдаги кўрпаларни сотиб тўрт юз минг сўм бер-

дим. Лекин у яна бермасанг, эрингга суратингни кўрсатаман деб кўрқитди. Отамдан юз доллар сўраб олиб, бердим. Яна икки марта юз доллардан сўраб олди. Охириги марта маҳалладан ёғ сотиб олгани йўққан пуллари ҳам беришга мажбур бўлдим.

Содиқнинг кўли мушт бўлиб туғилди. «Соғ кўймайман» дея қорамтир кўртқасининг ички чўнтағига пичоқ солиб, тўғри Жавлоннинг дўқонига борди. Салом-алиқ қилиб, сандан қанча қарзимиз бор деб сўради. У дафтарини очиб 29500 сўмликни айтди. Учта ўн минг сўмлик пулни олиб ичкарига юрди. Содиқ пештахта ичкарисига ўтиб кутди. Ичкаридан 500 сўм қайтимини олиб чиққан Жавлонга ҳамла қилди. «Тўхта, гаплашиб олайлик, орамизда ҳеч нарсга бўлгани йўқ» дейишга қарамай биқинига, қорнига, бўйнига пичоқ санчди. Хириллаб, кўзлари юмилгач, дўқондан чиқиб кетди.

Уйга бориб ота-онасига хотинини олдиб суратга олиб, шантаж қилиб юрган Жавлонни пичоқлаганини айтди. ИИБ тезкор ходимлари Содиқни уйдан ҳибсага олиб кетишди.

Тўс-тўполонни эшитиб, ҳовлидан дўқонга шошиб кирган Жавлоннинг хотини ёрдам беринглар дея додлади. «Тез ёрдам»ни кутмасдан енгил машинада уни шифохонага етказиб боришди. Шифокорлар Жавлоннинг ҳаётини асраб қолишди. Бироқ чап тарафи, оёқ-қўли шол бўлиб қолди.

Ўзича ҳукм чиқариб, бировнинг жонига қасд қилган, айбига тўлиқ икром бўлган С.Мамасолиевга суд олти йил озодликдан маҳрум этиш ҳақосини тайинлади.

Музаффар МАМАДЖОНОВ,
Фаргона вилояти
прокуратураси бўлим бошлиғи

«Samarqand mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-қарорига мувофиқ ҳамда «Нуроний» жамғармаси Самарқанд шаҳар бўлимининг 2019 йил 30 декабрдаги 68-буюртмасига асосан Самарқанд шаҳри Темуралиев кўчаси 3-уйда сақланаётган, 2010 йили ишлаб чиқарилган, давлат рақами 30 822 ГАА, техник носоз бўлган «Дамас» русумли автомашина қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 11 164 000 сўм.

Аукцион савдоси 2020 йил 10 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомашина 10 февраль куни соғилмаган тақдирда, **такрорий савдо 17, 24 февраль** кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукционда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо қолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина

бошланғич баҳосининг 20 фонзидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини «Ипотека банк» АТИБнинг Кўксарой филиалидаги 20208000804942465001 (МФО: 00262, ИНН: 302129857) ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳар Маҳмуд Қошғарий кўчаси 58-уй, 2-қават.

Тел: (66) 233-80-13. Гувоҳнома №05496.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Сирдарё вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Файзулла Ботировга турмуш ўртоғи **Зумрад Йўлдошеванинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КЕЛГУСИ СОНДА

Нафақа сўраб мурожаат қилганлардан пора олиш билан боғлиқ жиноятлар фош этилди.

HUQUQ

YURIDIK GAZETA
MUASSIS:

Ўзбекистон Республикаси
Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZOROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIIRIYAT MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

www.huquq.uz

info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatishi shart. [1] — tijorat materiallari.

Buyurtma v-4015.
19 950 nusxada bosildi.
Oq'oz bichini A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridi va sahifalandi. «HUQUQ» original mekati.


Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BOBOLJAMOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa jridiy uyida chop etiladi.
Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirishi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yl 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.





ЎЗБЕК БОКСИ АНГЛИЯ НАШРИ ЭЪТИРОФИДА

Спорт бўйича хорижнинг нуфузли нашрларидан бири Ўзбекистонни «Йилнинг энг яхши бокс мамлакати» дея эътироф этди.

Англиянинг «Thefight-site.com» спорт сайти ўз мақоласида ҳаваскор боксда дунёнинг энг яхши спортчилари ва бошқа номинациялар бўйича кучлилар номини эълон қилди.

Эътиборлиси, бокс бўйича турли йўналишларнинг голиблари сифатида ўзбекистонлик боксчилар эътирофга сазовор бўлишди.

Мақола муаллифи Тейлор Ухитиннинг келтиришича, «Йил боксчиси» дея Осиё ва жаҳон чемпиони Мирзаизбек Мирзахалилов эътироф этилган бўлса, ундан кейинги ўринларда кубалик Энди Круз Гомес ва Баходир Жалолов номлари кайд этилган.

Жаҳон боксда «Қизикарли жанглари олиб боровчи» сифатида хамюртимиз Абдумалик Халаков келтирилган. «Йил нокаут» сифатида эса Баходир Жалоловнинг Ричард Торрес устидан қозонган ғалабаси кўрсатилган.

ФУТБОЛЧИ МУКОФОТИНИ ЙЎҚОТИБ ҚЎЙДИ

«Лион» клуби ва Франция аёллар терма жамоаси сардори Венди Ренар 2019 йилда ФИФАнинг энг яхши аёл футболчиси сифатида олган «The Best» мукофотини йўқотиб қўйди.

Футболчининг маълум қилишича, у Париждан Лионга бораётганида поездда чамалонини унутиб қолдирган. Чамалондаги нарсалари орасида эса унинг «France Football» ва «The Best» мукофотлари ҳам бўлган.

Ренар чамалони ёдига тушиб, ортга қайтганда вокзал маъмуриятдан олган нарсалари орасида «The Best» мукофоти бўлмаган. У мукофоти ҳақида бирор-бир маълумотга эга барчадан у ҳақда маълум қилишни илтимос қилган.

Эслатиб ўтамай, 29 ёшли Ренар «Лион» таркибида 11 марта Франция чемпионатида, 4 марта Чемпионлар лигасида голиб бўлган.



ТРАНСФЕР ОЛАМИДА НИМА ГАПЛАР?

«ЮВЕНТУС» УНИ ОЛИБ ҚОЛМОҚЧИ

«Ювентус» клуби ҳимоячиси Мерих Демирел бирийўла бир нечта кучли жамоанинг эътиборига тушиб қолганидан хабарингиз бор.

«Манчестер Сити», «Лестер», «Боруссия Дортмунд» сингари жамоалар 21 ёшли футболчи учун курашга киришганига қарамай «Ювентус» ҳимоячини сотишдан бош тортмоқда.

«Tuttosport» нашри берган маълумотга қараганда «Лестер» ҳимоячи учун 35 миллион евро таклиф қилган бўлса, немис клуби Демирел учун 40 миллиондан ҳам воз кечишга тайёр.

Кеча клуб раҳбарлари туркиялик футболчининг келажиги борасида бир қарорга келди. Унга кўра Демирел борасидаги барча таклифлар ёзга қадар кўриб чиқилмайди.



«ПСЖ»НИНГ «ҚОРА РЎЙХАТ»И

Париж клуби қишки трансфер чоғида ўз таркибидаги бир нечта футболчини сотувга қўяди. Бу ҳақида «Sport.es» нашри хабар бермоқда. Аини дамда парижликлар бирийўла бир нечта футболчини зудлик билан сотиб юбориш чораларини кўраётти.

Клуб тузган «қора рўйхат» билан танишинг: Тома Менье, Тело Керер, Идрисса Гейе, Леандро Паредес, Андер Эррера, Юлиан Дракслер ва Эдинсон Кавани. Бу рўйхат кенгайтиши мумкин. Бу футболчиларнинг умумий қиймати 195 миллион еврога тенг бўлишига қарамай, жамоа ўз футболчиларини арзонроқ нархга бўлса ҳам қўйиб юборишга тайёрлигини маълум қилган.

Парижликлар яримҳимоядаги йўқотишни Эмре Жан ва Кристиан Эриксен ёрдамида тўлдиришни режалаштирмоқда.

УКРАИНАЛИК ФУТБОЛЧИ ТУРКИЯ КЛУБИГА ЎТДИ

Аини дамда Украина терма жамоасининг асосий футболчиларидан бири саналмиш Денис Гармаш фаолиятини Туркияда давом эттирадиган бўлди.

Туркиянинг «Ризеспор» жамоаси бу ҳақида ўзининг расмий сайтида маълумот берди. Ҳозирча турк клуби футболчини 6 ойга ижарага олмақда. Агар клуб футболчининг ўйинидан қониқса, ёзда Туркия клуби Киевнинг «Динамо»сидан Гармашнинг шартномасини сотиб олади.

Эндиликда «Ризеспор» таркибида украиналик футболчиларнинг сони иккитага етди. 2019 йилда Николай Морозюк ҳам «Ризеспор» футболчисига айланган эди.

«БАРСЕЛОНА» ВИДАЛНИ СОТАДИМИ?

Каталониянинг «Барселона» жамоаси яримҳимоячиси Артуро Видал билан Миланнинг «Интер» клуби жиддий қизиқиб қолган.

Италия клуби футболчини 15 миллион евро эвазига сотиб олиш шарт билан бир мавсумга ижарага олмақчи, бироқ клуб чилилик футболчи 20 миллиондан камига сотилмаслигини маълум қилган эди.



мураббийи Эрнесто Валверде Видал мавсум сўнгига қадар жамоада қолишини истамоқда. Воқеалар ривожини кузатишда давом этамиш.

«Direc TV» берган маълумотга қараганда, энди «Манчестер Юнайтед» клуби ҳам Видалга қизиқиб қолган. Инглизлар яримҳимоячи учун 22 миллион евро таклиф қилмоқда. «Барселона» раҳбарлари футболчини сотиб юборишга қарши эмас, бироқ жамоа бош



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Бугун Ўзбекистон олимпия терма жамоаси 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги қитъа чемпионатида соат 15:15 да Эрон олимпиячиларига қарши майдонга тушади.